

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

ҲАЗРАТҚУЛОВА ШАҲНОЗА УСМОНОВНА

**КУЗГИ БУҒДОЙ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ГЕНОТИП ВА
ТАШҚИ МУҲИТНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Ҳазраткулова Шахноза Усмоновна

Кузги буғдой сифат кўрсаткичларига генотип ва ташқи муҳитнинг ўзаро таъсири..... 3

Ҳазраткулова Шахноза Усмоновна

Влияние внешних факторов и генотипов на качественные признаки озимой пшеницы..... 19

Khazratkulova Shakhnoza Usmonovna

Interaction of genotype and external environment on winter wheat grain quality parameters..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

ҲАЗРАТҚУЛОВА ШАҲНОЗА УСМОНОВНА

**КУЗГИ БУҒДОЙ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ГЕНОТИП ВА
ТАШҚИ МУҲИТНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2018

Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx24 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рам Чандра Шарма қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Раҳмонкулов Саид-Ақбар биология фанлари доктори, профессор Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич биология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «30» август соат 13³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535396 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил «17» август куни тарқатилди.
(2018 йил «25» июндаги 32.1-рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum* L.) дунё қишлоқ хўжалигида энг муҳим бошоқли дон экинларидан бири ҳисобланиб, жами экин майдонларининг 17 фоизини эгаллайди¹ ва ҳар йили 724 миллион тонна дон ҳосили етиштирилади². Дунё миқёсида жами 240,8 млн. гектарга буғдой экилиб, яқин йилларда буғдой донига бўлган талаб 730 млн. тоннага етиши ва бунда ем учун етиштириладиган буғдой донига бўлган талаб ортиб бориши башорат қилинмоқда².

Дунёда буғдой ҳосилдорлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар турли биотик ва абиотик омилларга чидамли навларини яратиш, унинг нон бўлиш сифатини яхшилаш билан бир қаторда унинг тўйимлилиги, озуқа элементлари бўлган оксил ва микроэлементларга бойлиги каби белгиларни яхшилашга қаратилган. Шунинг учун юқори ҳосилли, турли омилларга чидамли ва юқори сифатли буғдой навларини яратиш энг муҳим илмий-амалий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Республиканинг жанубий минтақаларида турли тупроқ-иқлим шароитининг мавжудлиги, тупроқ унумдорлиги бир хил эмаслиги, қурғоқчилик, иссиқлик, гармсел, ётиб қолиш, занг касалликларига, қишга чидамли серҳосил, дон сифати юқори бўлган биологик кузги ва дуварак буғдойнинг чўл минтақаси учун эртапишар, марказий, тоғолди ва тоғли минтақалари учун эса ўртапишар навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Минтақаларнинг ҳар бир иқлим шароитларига мос, юқори ҳосилдор ва дон сифати юқори бўлган навларни танлаш ғаллачиликда муҳим аҳамият касб этади. Юмшоқ буғдой консистенцияси навга, географик ва тупроқ факторлари, етиштириш агротехникасига қараб ҳар хил бўлади. Шунинг учун навларни биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда нав ва ташқи муҳитни уруғнинг физиологик етилишига, ҳосилнинг шаклланишига, доннинг сифатига таъсирини ўрганиш ҳамда шу асосда амалий тавсияномалар ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Gupta P.K., Mir R.R., Mohan A., Kumar J. Wheat genomics: present status and future prospects. Int. J. Plant Genomics, 2008; Article ID 896451, 36 pp.

²Food and Agriculture Organization.2011. Statistics: FAOSTAT agriculture. from <http://fao.org/crop/statistics>.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Буғдойда ўсув даври давомийлиги иссиқликка, қурғоқчиликка, совуққа, ҳашарот ва замбуруғли касалликларга чидамлик ҳамда доннинг сифат кўрсаткичлари каби муҳим белги ва хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, ўзгармас миқдор ҳисобланмайди ва ўстириш шароити, асосан, навнинг генетик хусусиятлари билан боғлиқлигини А.И.Носатовский, Р.А.Удачин, А.Ф.Шулындин, Н.И.Вавилов, униб чиқиш-бошоқлаш даврининг давомийлиги навнинг асосан биологик хусусиятларига боғлиқлигини Д.Ацци, Г.Т.Селянинов, П.К.Иванов ва бошқалар ҳамда дон сифатининг асосий кўрсаткичлари дон шакли, катталиги, донни текислиги, унинг тиниқлиги, ранги, оқсилнинг сифати ва миқдори, кўпинча дон таркибидаги оқсилнинг фоиз ҳисобидаги миқдорини камайишини А.А.Аманов, Н.Халилов, Р.Сиддиқов, С.Бабоев, А.Қайимов ва О.Аманов каби бир қатор олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Кузги буғдой навларини сифат кўрсаткичларига генотип ва ташқи муҳитни ўзаро боғлиқлиги бўйича тадқиқотчиларда маълумотлар жуда кам айниқса, Ўзбекистон Республикасини суғориладиган ва лалми ерлари шароитида етарли даражада ишлар олиб борилмаган. Шунинг учун бу муҳим масала ҳар хил иқлим шароитларда ҳам ўз сифат кўрсаткичларини ўзгартирмайдиган мақбул навни аниқлаш ва жорий қилиш долзарб бўлиб, ҳосилдорликни, дон ва уруғни сифатини оширишини таъминлайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-10-147 “Республиканинг жанубий минтақасида суғориладиган ва лалмикор ерлари учун буғдойнинг қурғоқчилик, иссиқлик, касалликка чидамли ҳамда серҳосил икки фаслли янги навларини яратиш ва юқори ҳосил берадиган самарадор агротехнологияларини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.); К-10-003 “Буғдойнинг янги навларини жанубий зоналарда экологик синовини” (2009-2011йй.); ҚХА-8-034 “Республиканинг суғориладиган ва лалмикор ерлари учун қурғоқчилик, касалликлар, зараркунандаларга чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг янги навларини яратиш” (2012-2014 йй.); ҚХА-8-081-2015 “Республиканинг суғориладиган ва лалмикор ерлари учун қурғоқчилик, касалликлар, зараркунандаларга чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг янги навларини яратиш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдой нав

намуналарининг турли табиий иқлим шароитларда юқори ҳосилдорлик ва барқарор дон сифат кўрсаткичларига эга, касалликларга, ётиб қолишга чидамли нав намуналарини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятлари табиий иқлим шароитларида кузги юмшоқ буғдой навларининг дон сифатига иқлим шароитининг таъсирини аниқлаш;

юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг дон ҳосилдорлигини таъминловчи миқдорий белгиларига турли тупроқ унумдорлигининг таъсирини баҳолаш;

буғдой навларининг дон ҳосили ва сифатига занг касаллигининг таъсирини аниқлаш;

ҳар хил тупроқ - иқлим шароитларда барқарор сифат кўрсаткичларига, юқори ҳосилдорлик ва стресс омилларга чидамли буғдой навларини ишлаб чиқаришга танлаш;

суғориладиган майдонлар шароитида ҳосилдор, дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, макарон ва кондитер маҳсулотлари талабларига тўла жавоб берадиган қаттиқ буғдойнинг янги навларини яратиш;

Тадқиқотнинг объекти қилиб юмшоқ буғдойнинг 27 та генотиби, қаттиқ буғдойнинг 220 та намуналари, Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари ҳамда Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб турли иқлим шароитларида уруғларни униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, ўсув даври, ўсимлик бўйи, ҳосилни шаклланиши, ҳосилдорлик, сифат кўрсаткичлар, 1000 та дон вазни, дон натураси, дон шишасимонлиги, оқсил миқдори, дон таркибидаги клейковина миқдори ва ИДК бирлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажриба схемаси Genestat 3 дастурининг Alpha Lattice desine асосида тузилди. Тажриба давомида фенологик кузатув, дала ва лаборатория таҳлиллари “Бутун Россия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуги”, биометрик таҳлиллар эса “Қишлоқ хўжалик экинлари давлат навларини синаш комиссиясининг услуги”, занг касалликларга дала шароитида чидамлилигини баҳолаш “Modified Cobb” шкаласи ёрдамида баҳоланган. Олинган маълумотларни аниқлиги ва ишончлилиги умум қабул қилинган Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услуги бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ташқи муҳитнинг турли хил ноқулай шароитларида занг касаллигига чидамли ва дон таркибидаги оқсил ҳамда клейковина миқдори ўзгармайдиган генотиплар аниқланиб, уларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мослашувчанлиги (пластиклик қобиляти) аниқланган;

янгидан яратилган “Ҳазрати Башир”, “Ғозғон” ва “Эломон” навларнинг ҳар иккала минтақа учун юқори ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларининг сақлаб қолиши бу навларнинг стабил ҳолга келганлиги аниқланган;

қаттиқ буғдой нав намуналаридан эртапишар, ташқи муҳит шароитларига тез мослашадиган ва ҳар қандай шароитда барқарор ҳосил берадиган генотиплар ажратиб олинган;

суғориладиган майдонлар учун ҳосилдор дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, макарон ва кондитер маҳсулотлари талабларига тўла жавоб берадиган қаттиқ буғдойнинг янги “Насаф” нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аниқланган қонуниятлар ўзига хос амалий аҳамиятга эга бўлиб, эришилган натижалар орқали ҳосилдорликни янада ошириш ва дон сифатини яхшилаш мумкинлигини исботланган. Энг кўп сифатли дон берувчи ва юқори самарадорликка эга бўлган 3 та буғдой навлари “Ҳазрати Башир” (Geno-1), “Ғозғон” (Geno-7) ва “Эломон” (Geno-15) навлари яратилган ва уларга патент олинган;

2016 йил қаттиқ буғдойнинг “Насаф” нави Давлат нав синаш комиссияси синовига топширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибаларининг ҳар йили апрабация кўригидан ўтказилганлиги; методологик услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга ишлов берилганлиги; назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши; тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги; тадқиқот натижалари Республика ва Халқаро илмий конференцияларда ҳамда илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республиканинг турли хил тупроқ иқлим шароитларида кузги буғдой навлари орасидан униб чиқиши, ўсиш-ривожланиши, курғоқчилик, иссиқлик ва касалликларга чидамлилиги, ҳосил тўплаши, дон сифати муқобил бўлган генотиплар ажратиб олинганлиги тавсифланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республиканинг суғориладиган турли хил тупроқ иқлим шароитлари учун янги яратилган юмшоқ буғдойнинг “Ҳазрати Башир”, “Ғозғон” ва “Эломон” навлари ва қаттиқ буғдойнинг “Насаф” навларидан сифатли дон ҳосилини олиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кузги буғдой селекцияси ва уруғчилиги бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

янгидан яратилган юмшоқ буғдойнинг “Эломон” ва “Ҳазрати Башир” навлари 2015 йилдан истиқболли навлар сифатида қишлоқ хўжалиги экинлари навларини экиш учун Давлат реестрига киритилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 14 апрелдаги 02/21-232-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навлар мазкур минтақада ғаллачилик фермер хўжаликлари майдонларида асосий нав сифатида экилган;

қишлоқ хўжалиги учун қимматли-хўжалик белгиларини намоён этган ва танлаб олинган кузги буғдойнинг «Ғозғон», «Эломон» ва «Ҳазрати Башир» навлари Қашқадарё вилоятининг Қамаш, Нишон ва Қарши туманлари фермер хўжаликларида жами 32 гектар майдонга уруғлик сифатида экишга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 14 апрелдаги 02/21-232-сон маълумотномаси). Ушбу навлардан андоза «Крошка» навига нисбатан гектаридан 7,7-10,6 центнер қўшимча дон ҳосили олинган ва иқтисодий самарадорлик гектарига 983,5-1143 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Далада ва лаборатория шароитида олиб борилган дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва Дон ва дуккакли экинлари илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Мазкур тадқиқот натижалари 4та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устивор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар турли минтақаларда бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил ва сифатли дон етиштириш учун тупроқ-иқлим шароитларининг ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган маълумотлар бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар кенг таҳлил қилинган. Кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш бўйича бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, ҳар

бир белгининг аҳамияти, жаҳон коллекцияси намуналаридан Ўзбекистон шароитига мос, юқори ҳосилли намуналарни танлаш ва селекцияга татбиқ этиш, шунингдек, унинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ғаллачиликда долзарб масалалардан бири сифатида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тажриба шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари ва Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитларида тупроқ ва иқлим шароитлари тадқиқот ўтказилган йиллар бўйича алоҳида маълумотлар келтирилган. Иқлим шароитларидан келиб чиқиб турли хил иқлим шароитларининг генотип сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилган.


Диссертациянинг «**Генотип ва ташқи муҳитнинг дон сифатига таъсири**» деб номланган учинчи бобида, тажриба майдонида экилган нав ва намуналарнинг униб чиқишидан пишиб етилгунга қадар олинган фенологик кузатув натижалари таҳлил қилинган. Тажрибада юмшоқ буғдойнинг ҳосил элементларига генотип ва ташқи муҳитнинг таъсирини ўрганиш бўйича 30 та юмшоқ буғдой Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида экилиб, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига ҳар хил иқлимнинг таъсирини илмий асослаш бўйича тадқиқот олиб борилган.

Илмий изланишнинг асосий мақсади навларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш, кузги буғдойнинг сифат кўрсаткичларига нав ва ташқи муҳитнинг ўзаро таъсирини аниқлаш, кузги буғдойда барқарор сифат белгиларига эга бўлган генотипларни аниқлашдан иборат.

Олиб борилган тажрибалар натижаларига кўра, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўрганилган нав ва намуналарнинг 1000 та дон вазнининг (ўртача уч йилликда) кўрсаткичи 30,4 грамдан 44,3 грамгачани ташкил этган. Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида эса бу кўрсаткич 36,5 грамдан 46,2 грамгачани ташкил қилган.

Ҳар иккала шароитда ҳам 1000 та дон вазнининг энг паст кўрсаткичи Geno-5 генотипида 30,4 г ва 36,5 г, Geno-11 генотипида 33,9 г ва 40,3 г ни ташкил қилган бўлса, энг юқори кўрсаткичи Geno-23 генотипида 42,3 г ва 46,1 г ва Жайхун навида 43,3 г ва 46,2 г ни ташкил этган. Барча ўрганилган нав ва намуналар бўйича 1000 та дон вазни Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида етиштирилгандагига нисбатан Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида етиштирилганда 5,4-8,3 фоизга юқори бўлиши қайд қилинган.

Ҳар иккала тупроқ иқлим шароитларида ҳам 1000 та дон вазнининг Geno-23 ва Geno-28 генотиплари концентрацияли доиралар марказига энг яқин бўлган 1-доирада, Geno-7, Geno-9, Geno-2 ва Geno-20 генотиплари концентрацияли доираларнинг 2-доирада, энг кўп генотиплар (15 та) 3-доирада, Geno-5 генотипи эса концентрацияли доиралар марказига энг узоқ бўлган 5-доирада жойлашиши аниқланган (1-расм).



1-расм. 1000 дон дон вази бўйича генотипик устун бўлган генотипларнинг концентрацияли доиралар марказига яқин жойлашиши

Тажрибада ўрганилган нав ва намуналар донининг натураси бўйича ҳар иккала шароитларда ҳам катта фарқ кузатилмаган.

Буғдой дони таркибидаги оқсил миқдорини аниқлаш муҳим ҳисобланиб, бу кўрсаткични навнинг биологик хусусияти, етиштириш услуби ва иқлим шароитлари таъсирини ўрганиш илмий ишнинг асосий мақсадларидан биридир. Олиб борилган тажрибалар натижаларига кўра, андоза Крошка нави дони таркибидаги оқсил миқдори Қашқадарё вилоятида 14,9 фоиз, Тошкент вилоятида 13,7 фоизни ташкил этганлиги қайд қилинган.

Geno-1 генотипи дони таркибидаги оқсил миқдори Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида 13,8 фоиз ва Тошкент вилояти шароитида 13,6 фоиз, Geno-7 генотипи мос равишда 14,8 ва 14,0 фоизни, Geno-15 генотипи 14,9 ва 14,3 фоизни ташкил қилиб, ҳар иккала иқлим шароитда ҳам андоза навдан устун эканлиги аниқланган. Олиб борилган тажрибалар натижасига кўра, иссиқ иқлимли Қашқадарё вилояти шароитида нав ва намуналар дони таркибидаги оқсил миқдори мўътадил иқлимли Тошкент вилояти шароитидагига нисбатан юқори бўлиши аниқланган (1-жадвал).

Иқлим кўрсаткичлари турлича бўлган икки хил минтақада дон таркибидаги клейковина миқдори андоза Крошка навида Қарши тумани шароитида 29,8 фоиз, Қибрай тумани шароитида 28,2 фоизни, ташкил этган.

Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари шароитида генотипларнинг дон сифати, % (2010-2012 йй).

Генотип	Оқсил миқдори		Клейковина миқдори	
	Қибрай	Қарши	Қибрай	Қарши
Geno-1	13,6	13,8	28,6	27,0
Geno-2	13,7	13,8	28,6	29,5
Geno-3	13,4	14,7	28,6	30,3
Geno-4	13,3	14,3	26,7	29,5
Geno-5	13,4	14,1	26,3	30,4
Geno-6	13,9	14,0	29,0	28,4
Geno-7	14,0	14,8	27,5	29,5
Geno-8	13,6	14,6	27,9	28,0
Geno-9	13,7	14,1	29,0	28,6
Geno-10	13,7	15,0	28,2	27,9
Geno-11	13,7	14,3	29,4	28,8
Geno-12	13,7	14,7	28,2	29,5
Geno-13	13,8	13,8	28,2	28,4
Geno-14	13,5	14,8	27,4	28,4
Geno-15	14,3	14,9	29,0	29,4
Geno-16	14,2	14,4	29,2	27,7
Geno-17	13,1	14,2	27,9	26,7
Geno-18	13,5	13,7	29,4	28,0
Geno-19	13,4	13,2	28,8	28,5
Geno-20	12,7	13,2	26,8	27,0
Geno-21	13,9	14,5	28,9	29,5
Geno-22	13,5	15,2	28,4	29,8
Geno-23	14,5	14,1	26,9	27,3
Geno-24	13,6	14,0	26,5	27,6
Geno-25	12,9	13,2	27,4	26,6
Geno-26	13,8	13,7	28,6	28,2
Geno-27	14,2	14,8	28,3	29,4
Jayhun	13,8	13,9	30,6	28,1
Saidaziz	14,5	13,6	28,9	28,0
Kroshka	13,7	14,9	28,2	29,8

Тажрибада ўрганилган кузги юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг дони таркибидаги клейковина миқдори Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида энг паст кўрсаткич Geno-1, Geno-17, Geno-20 генотипларида ташкил қилган бўлса, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида эса Geno-4, Geno-5, Geno-20, Geno-23 генотипларида эканлиги аниқланган. Дон таркибидаги клейковина миқдори Қашқадарё вилояти шароитида Geno-2, Geno-3, Geno-4, Geno-5, Geno-22 ва Крошка генотипларида, Тошкент вилояти шароитида эса Жайхун, Geno-6, Geno-9, Geno-15, Geno-16, Geno-18 генотипларида энг юқори кўрсаткичда бўлиши аниқланган.

**Қарши ва Қибрай тумани шароитида ўрганилган генотипларнинг дон
хосилдорлиги, ц/га (2010-2012 гг.)**

Генотип	Қибрай тумани				Қарши тумани			
	2010	2011	2012	ўртача	2010	2011	2012	ўртача
Geno-1	69,9	60,7	59,6	63,4	56,4	48,9	39,0	48,1
Geno-2	56,3	64,0	49,1	56,4	55,4	46,8	37,7	46,6
Geno-3	57,5	61,3	55,2	58,0	43,8	38,1	36,7	39,5
Geno-4	61,6	62,0	52,4	58,7	47,3	46,3	39,3	44,3
Geno-5	59,3	66,0	47,5	57,6	46,5	53,1	40,7	46,8
Geno-6	55,1	61,3	50,3	55,6	49,0	39,9	35,0	41,3
Geno-7	76,2	68,7	59,6	68,1	56,5	46,7	43,0	48,8
Geno-8	55,7	65,3	52,9	58,0	55,2	45,1	39,0	46,4
Geno-9	60,9	62,7	47,7	57,1	50,8	47,5	37,7	45,3
Geno-10	57,0	67,3	49,8	58,1	48,4	39,3	34,3	40,7
Geno-11	62,5	70,0	51,7	61,4	51,3	40,6	36,3	42,8
Geno-12	66,6	55,3	55,4	59,1	48,4	45,1	40,0	44,5
Geno-13	55,9	52,7	48,2	52,3	45,5	31,3	29,7	35,5
Geno-14	62,4	68,7	59,1	63,4	51,0	40,0	39,7	43,6
Geno-15	75,5	67,3	54,4	65,7	55,8	54,3	44,3	51,5
Geno-16	59,2	60,0	54,3	57,8	59,8	44,6	39,3	47,9
Geno-17	52,9	57,3	48,3	52,8	48,4	37,5	32,7	39,5
Geno-18	54,7	52,0	49,7	52,1	46,3	30,7	30,3	35,8
Geno-19	61,1	57,3	49,1	55,8	54,8	39,4	34,3	42,9
Geno-20	62,9	66,0	49,0	59,3	44,8	38,3	33,7	38,9
Geno-21	46,1	46,0	48,4	46,8	46,1	24,4	26,7	32,4
Geno-22	41,5	48,7	49,8	46,6	46,6	33,9	32,0	37,5
Geno-23	61,6	68,7	45,3	58,5	54,0	41,2	33,3	42,8
Geno-24	60,5	55,3	57,1	57,6	49,6	43,3	40,0	44,3
Geno-25	47,2	55,3	47,6	50,1	53,2	32,4	30,3	38,6
Geno-26	55,3	46,0	39,6	47,0	52,8	30,1	24,7	35,9
Geno-27	58,5	61,3	33,7	51,2	47,3	35,3	24,7	35,8
Jayxun	66,4	64,7	46,1	59,1	53,3	45,3	36,0	44,8
Saidaziz	60,4	56,0	53,6	56,7	58,2	38,1	36,0	44,1
Kroshka	40,0	42,7	47,3	43,3	52,4	36,6	32,0	40,3
НСР, ц	6,5	5,5	5,1		4,2	7,5	4,5	
НСР, %	11,1	9,3	10,2		8,3	18,6	12,7	

Кузги буғдой генотипларининг дон хосилдорлиги Тошкент вилоятининг ўтлоки бўз тупроқлари шароитида 2010 йилда 40,0 ц/га дан 76,2 ц/га гача, 2011 йилда 42,7 ц/га дан 70,0 ц/га гача, 2012 йилда 33,7 ц/га дан 59,6 ц/га гача, 3 йиллик ўртача 43,3 ц/га дан 68,1 ц/га гачани ташкил этган бўлса, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида 2010 йилда 43,8 ц/га дан 68,1 ц/га гача, 2011 йилда 24,4 ц/га дан 54,3 ц/га гача, 2012 йилда 24,7 ц/га дан 44,3 ц/га гача, 3 йиллик ўртача 32,4 ц/га дан 51,5 ц/га гача бўлиши аниқланган.

Буғдой генотипларининг хосилдорлиги Қашқадарё вилояти шароитига

нисбатан Тошкент вилояти шароитида 12-17 ц/га юқори бўлиши қайд қилинган.

Ўрганилган 30 та генотипдан 3 йиллик маълумотларга кўра Geno-7 ва Geno-15 генотиплари ҳар иккала минтақа учун ҳам юқори ва ўзгармас ҳосилдорликка эга эканлиги аниқланган (2-жадвал).

Генотип ва ташқи муҳитнинг дон сифатига таъсирини ўрганиш натижаларига кўра Geno-23 ва Geno-28 генотипларининг 1000 та дон вазни ҳар иккала иқлим шароитларида ҳам барқарор бўлса, Geno-5 генотипининг 1000 та дон вазни турли минтақаларда ҳар хил бўлиши, ҳар иккала тупроқ иқлим шароитларида ҳам Geno-29 ва Geno-28 генотиплари дон натураси барқарор бўлиши, кузги буғдой генотипларини турли минтақаларда етиштирилганда ҳосилдорлиги, дон таркибидаги оксил миқдори ва клейковина миқдорлари бўйича ҳар иккала тупроқ иқлим шароитларида ҳам Geno-15, Geno-28, Geno-9, Geno-12 генотипларида юқори бўлиши, Geno-7 (Ғозфон) ва Geno-15 (Эламон) генотиплари ҳар иккала минтақа учун ҳам юқори ва ўзгармас ҳосилдорликка эга эканлиги аниқланган.


Диссертациянинг «**Сифат даражаси юқори бўлган кузги қаттиқ буғдой генотипларини танлаш ва улар асосида нав яратиш**» деб номланган тўртинчи бобда қаттиқ буғдой экинининг халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида ҳамда республиканинг жанубий минтақа шароитига мос кузги қаттиқ буғдойнинг янги навларини танлаш ва яратиш мақсадида коллекция кўчатзорида 220 та нав ва намуналар экиб ўрганилганлиги акс эттирилган.

Коллекция кўчатзорида ўрганиш учун турли экотипга мансуб нав ва линиялар Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти орқали ИКАРДА халқаро илмий марказидан келтирилган бўлиб, “Халқаро қаттиқ буғдойни ривожлантириш” дастури асосида турли мамлакатларда яратилган намуналардан ташкил топган.

Ўрганилган кузги қаттиқ буғдойнинг 220 та коллекция намуналарининг эртапишарлик хусусияти ўрганилганда, 210 кунгача пишган навларни эртапишар, 211-220 кунгача ўртапишар ва 220 кундан юқори бўлган навларни кечпишар навлар эканлиги аниқланган.

Ўрганилган намуналарнинг эртапишарлик хусусиятини ўрганилганда 63 та намуна 210 кунгача, 98 та намуна 211-220 кун, 59 та намуна 220 кундан кўп кунда пишиб етилиши кузатилди. Ўсув даври бўйича бири-бирига яқин бўлган энг кўп генотиплар 211 кундан 220 кунгача пишиб етилиши аниқланган (2-расм).

Қаттиқ буғдой селекциясида асосий эътибор ҳар бир минтақа учун алоҳида хусусиятга ва ташқи муҳит шароитларига тез мослашадиган, ҳар қандай шароитда ҳам барқарор ҳосил берадиган навлар яратишга қаратилган.



2-расм. Генотипларнинг ўсув даврига кўра бир-бирига яқинлиги


Селекция жараёнида навнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи юқори ўринда туради. Андоза Крупинка навида ҳосилдорлик 59,2 ц/га ва Макуз-3 навида 58,5 ц/га кузатилиб, энг юқори ҳосилдорлик 793 намунада 88,0 ц/га, 731 намунада 85,8 ц/га, 716 намунада 85,5ц/га, 737 намунада 85,0 ц/га, 702 намунада 84,7 ц/га, 799 намунада 84,0 ц/га, 722 намунада 83,5 ц/га, 705 намунада 82,7 ц/га, 7120 намунада 82,5 ц/га, 796 намунада 81.5ц/га ва 736 намунада 80,7ц/га кузатилиб, андоза навга нисбатан 48 та намунада бу кўрсаткич баланд бўлди.

Экилган кузги қаттиқ буғдой нав ва намуналарининг ётиб қолишга чидамлилиги, ўсимликлар ташқи морфологик белги-хусусиятлари, ўсимлик бўйи ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари атрофлича баҳоланиб, 45 та нав ва намуна 2011 йилда селекция кўчатзорига экиш учун танлаб олинди.

Селекция кўчатзориди асосий эътибор қаттиқ буғдойнинг ҳосилдорлигига қаратилган. Ҳосилдорлик бўйича танлаш ишлари статистик таҳлил натижаларига кўра олиб борилган.

Ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилганда, андоза Крупинка навида 64,3 ц/га ва Макуз-3 навида 79,5 ц/га ҳосил олинганлиги аниқланган. Тажрибада 7049, 782, 800, 731, 736, 722. 7008 селекция рақамли намуналар андоза Макуз-3 нави (79,5 ц/га) дан ҳам юқори ҳосил бериш хусусияти эга эканлиги аниқланган.

Ўрганилган нав ва намуналар орасида энг юқори ҳосилни 800 намунаси 89,3ц/га, 736 намунаси 83,5 ц/га ва 7008 намунаси 83,4ц/га ни берганлиги аниқланди.



3-расм. Селекция кўчатзорида нав ва намуналар ҳосилдорлиги.

3– жадвал

**Қаттиқ бугдой навларининг ҳосилдорлиги, ц/га
(2014-2016 йй)**

№	Нав номи	2014 й	2015 й	2016 й	Ўртача	Андоза навадан фарқи		Гуруҳ
						ц	%	
1	Макуз-3	65,0	67,8	66,7	66,5	-	-	St
2	Қаҳрабо	65,3	68,1	66,1	66,5	-	-	II
3	Крупинка	63,5	67,7	65,6	65,6	-0,9	-1,4	II
4	KR15-DR-EN-2	65,8	68,9	70,7	68,5	2,0	3,0	II
5	KR15-DR-EN-5	61,8	65,4	63,2	63,5	-3,0	-4,6	III
6	KR15-DR-EN-7	64,2	64,8	62,1	63,7	-2,8	-4,2	III
7	KR15-DR-EN-8	65,9	66,0	62,2	64,7	-1,8	-2,7	II
8	KR15-DR-EN-9	63,8	63,9	61,7	63,1	-3,4	-5,1	III
9	KR15-DR-EN-10	72,5	76,4	76,2	75,0	8,5	12,8	I
10	KR15-DR-EN-12	67,4	64,7	64,2	65,4	-1,1	-1,6	II
11	KR15-DR-EN-14	64,1	67,8	62,8	64,9	-1,6	-2,4	II
12	KR15-DR-EN-17	61,8	68,5	63,6	64,6	-1,9	-2,8	II
13	KR15-DR-EN-18	60,9	65,7	64,1	63,6	-2,9	-4,4	III
14	KR15-DR-EN-20	76,7	78,7	76,4	77,3	10,8	16,2	I
15	KR15-DR-EN-21	65,6	65,9	62,9	64,8	-1,7	-2,6	II
	ЭКФ_{0,5}, ц	1,99	1,47	1,21	66,5	2,8	4,2	-
	ЭКФ_{0,5}, %	3,04	2,16	1,83				

Андоза навларга нисбатан юқори ҳосил берган, ётиб қолишга ўта чидамлилиги, вегетация даври ва бошқа кўрсаткичларга кўра 23 та намуна

танлаб олинган.

Назорат кўчатзорида 23 та линиялар 2012-2013 йилларда андоза Крупинка нави асосида 3 қайтариқда 10 м² майдонда экиб ўрганилган.

Ҳосилдорлик кўрсаткичларни таҳлил қилганда, андоза Крупинка навининг ҳосилдорлиги 39,6 ц/га ни ташкил этган, андоза навга нисбатан ўрганилган намуналарнинг 13 тасида ҳосилдорлик паст бўлиши аниқланган. Қолган намуналарда эса андоза навга нисбатан ҳосилдорликнинг баланд бўлиши аниқланган. Андоза Крупинка навига нисбатан энг юқори ҳосилдорлик 744 намунасида 46,9 ц/га, 736 намунасида 45,1 ц/га ва 793 намунасида 42,1 ц/га эканлиги қайд қилинган (3-расм).

Қарши тумани шароитида ўрганилган қаттиқ буғдой навларининг ўртача йиллар бўйича ҳосилдорлик 66,5 ц/га ни ташкил қилиб, андоза Макуз-3 навига нисбатан (ЭКФ) 2,8 ц ни ёки 4,2 % ни ташкил этган (3-жадвал).

Олинган маълумотлар дисперсион таҳлил қилиниб, 4 та (KR15-DR-EN-9, KR15-DR-EN-5, KR15-DR-EN-18, KR15-DR-EN-7) нав ўртача ҳосилдорликка нисбатан (-4,2 % дан) паст бўлиб III гуруҳга, 8 та (Қахрабо, Крупинка, KR15-DR-EN-2, KR15-DR-EN-8, KR15-DR-EN-12, KR15-DR-EN-14, KR15-DR-EN-17, KR15-DR-EN-21) нав ўртача ҳосилдорлик билан бир хил (-4,2 % дан 4,2 % гача) бўлиб II гуруҳга ҳамда 2 та (KR15-DR-EN-10, KR15-DR-EN-20) генотипларнинг ҳосилдорлиги ўртача ҳосилдорлигидан (4,2 % дан) юқори бўлиб I гуруҳга мансуб эканлиги аниқланган.

Суғориладиган майдонларда асосий морфо-биологик белгилари, эрта пишарлиги, ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичлари бўйича уч йил ўрганишлар натижасида қаттиқ буғдой нав ва намуналарининг сифатига ташқи муҳитнинг таъсирини тадқиқ қилиш ва улар асосида нав яратишда коллекция кўчатзорида ўрганилган намуналар асосида танлаб олинган 15 та намуна Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали марказий тажриба майдонида экиб ўрганилган ва натижалар таҳлил қилиниб андоза Крупинка навига нисбатан барча кўрсаткичлар бўйича устунликни намоён этган “Насаф” нави (KR15-DR-EN-20) яратилди. Ушбу нав 2016 йил Давлат нав синаш комиссиясига синаш учун топширилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Махсус сунъий зарарлантириш майдонида олиб борилган тажриба натижаларига кўра, Geno-6, Geno-13, Geno-14, Geno-16, Geno-21, Geno-24, Geno-25, Geno-26 генотиплари сариқ занг касаллигига ўта чидамли бўлиб, дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдорлари барқарорлиги аниқланди.

2. Кузги буғдой генотипларини турли минтақаларда етиштирилганда Geno-15, Geno-28, Geno-9, Geno-12 генотиплари ҳосилдорлиги, дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдорлари ўзгармас эканлиги аниқланди.

3. Тадқиқотлар давомида олинган маълумотларга кўра, Geno-1 (Ҳазрати Башир), Geno-7 (Ғозғон) ва Geno-15 (Эламон) генотиплари хар иккала минтақа учун ҳам юқори ва ўзгармас ҳосилдорликка эга эканлиги аниқланди.

4. Ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ва қурғоқчил шароитда юмшоқ буғдойда ҳосилдорлик кўрсаткичлари пасайиб кетган бўлса, оқсил ва

клейковина миқдори ошганлиги кузатилди. Шунингдек, буғдойнинг бошоқлаш-пишиш давридаги ўртача максимум ҳарорат 26-28⁰С, минимум ҳарорат эса 11-14 °С оралиғида бўлганда дон сифат кўрсаткичи яхши натижани берганлиги кузатилиб, бошоқли дон экинларининг яхши ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда дон сифатини юқори бўлиши учун агротехник тадбирлардан ташқари ҳаво ҳарорати ҳам ўз таъсирини кўрсатиши аниқланди.

5. Кузги қаттиқ буғдойнинг юқори сифатли селекцион ашёларини яратиш, тур ичида мураккаб дурагайлаш ва яққа танлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида Насаф (KR15-DR-EN-20) нави яратилиб, Давлат нав синаш комиссиясига топширилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**КАШКАДАРЬИНСКИЙ ФИЛИАЛ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА ЗЕРНОВЫХ И БОБОВЫХ
КУЛЬТУР**

ХАЗРАТКУЛОВА ШАХНОЗА УСМОНОВНА

**ВЛИЯНИЕ ВНЕШНИХ ФАКТОРОВ И ГЕНОТИПОВ НА
КАЧЕСТВЕННЫЕ ПРИЗНАКИ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ– 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.1.PhD/Qx24.

Диссертация выполнена в Кашкадарьинском филиале научно-исследовательского института зерновых и бобовых культур.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.agrar.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Рам Чандра Шарма**
доктор по сельскохозяйственным наукам, профессор,

Официальные оппоненты: **Рахмонкулов Саид-Акбар**
доктор биологических наук, профессор

Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич
доктор биологических наук

Ведущая организация: **Научно-исследовательский институт растениеводства**

Защита диссертации состоится «30» август 2018 года в 13³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 260-48-00, факс: 260-38-60, e-mail: tuag-info@edu.uz Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 535396). (Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, 2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра, Тел.: (99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «17» август 2018 года.
(протокола рассылки № 535396 от «25» июнь 2018 года).

Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н.

М.М.Адилов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мягкая пшеница (*Triticum aestivum L.*), являясь одной из значимых зерно-колосовых культур в мировом сельском хозяйстве, занимает 17 % от общей площади посевов³ и каждый год в мире выращивается 724 миллиона тонн урожая зерна⁴. В мировом масштабе пшеница высеивается на 240,8 млн. гектарах, и в ближайшие годы предвидится повышение надобности в зерне пшеницы до 730 млн. тонн и увеличение потребности зерна, выращиваемого в качестве корма⁴.

Научные исследования в мире, проводимые в области повышения урожайности и улучшения качественных показателей пшеницы, направлены на создание сортов, устойчивых к различным биотическим и абиотическим факторам среды, улучшение хлебопекарных качеств, его питательности, насыщенности белками и микроэлементами. Поэтому, создание высокоурожайных, устойчивых к различным факторам высококачественных сортов пшеницы является одним из важнейших научно-практических направлений.

В связи с тем, что в южных регионах республики существуют различные почвенно-климатические условия, неравномерное плодородие почвы создание высокоурожайных биологически озимых и двуручек, устойчивых к засухе, высокой температуре, гармселю, полеганию, ржавчинным болезням, холоду, для степных регионов скороспелых, а для центральных, предгорных и горных регионов среднеспелых сортов пшеницы имеет важное значение. Важное значение в зерноводстве имеет отбор приспособленных к погодным условиям каждого региона, высокоурожайных, обладающих высоким качеством зерна сортов. Консистенция мягкой пшеницы варьирует в зависимости от сорта, географических и почвенных факторов, а также агротехники возделывания. Поэтому, учитывая биологические особенности сортов необходимо изучение влияния сорта и внешних условий на физиологическое дозревание семян, формирование урожая, качество зерна, а также на этой основе разработка практических рекомендаций.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в Законами Республики Узбекистан «О селекционных достижениях» и «О семеноводстве», намеченных Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2460 от 29 декабря 2015 года «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства на период 2016-2020 годов», а также в Указе Президента УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

³Gupta P.K., Mir R.R., Mohan A., Kumar J. Wheat genomics: present status and future prospects. Int. J. Plant Genomics, 2008; Article ID 896451, 36 pp.

⁴Food and Agriculture Organization.2011. Statistics: FAOSTAT agriculture. from<http://fao.org/crop/statistics>.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

